

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-ИЛ ЧИҚИШИ
№ 128 (2419).
30
И Ю Н Ъ
ЯКШАНБА
1963 ЙИЛ
БАҲОСИ
2 ТИПИН

Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ област комитети ва област ижроия комитетида

Тошкент қишлоқ област
партия комитети ва област
ижроия комитети қорва туёғини
қўлайтириш ва унинг маҳсул-
дорлигини ошириш юзасидан
ишлаб чиқариш бошқармалари,
колхоз ва совхозлар ўртасида
социалистик мусобақани кенг
қўламда ташкил этиш мақса-
дида қорвачиликда энг яхши

қўрсаткичларга эришган илгир
колхоз ва совхозлар учун ик-
кита қўйма Қизил байроқ таъ-
сис этди.
Қўйма Қизил байроқ қорва
туёғини қўлайтириш, маҳсулот
етиштириш ва давлатга қорва-
чилик маҳсулотлари сотиш

юзасидан ярим йиллик ва бир
йиллик давомида энг яхши қўр-
саткичларга эришган, қорвани
дағал ва ширани ет-хашаклар
билан етарли таъминлаган, маҳ-
сулот тананнинг қамайтирган
коллективларга берилади. Қў-
ма Қизил байроқ билан бир
вақтда илгир коллективга авто-
машина ҳам ажратилади.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ — БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ, БИЗНИНГ ЖАНГОВАР ҚУРОЛИМИЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленумида 1963 йил 21 июнда

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

‘Азия ўртоқлари! Пленумимизнинг иши яхши, ишчанлик
вазиратида ўтмоқда. Ўртоқ Ильичнинг туқур мазмунли
доклада, партия ходимлари, фан, адабиёт, санъат арбоб-
ларининг нутқларида қўлгина қимматли фикр ва тақлифлар
бел қилинди.

Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлари Совет
Иттифоқи Коммунистик партияси билан ва бутун халқаро
коммунистик ҳаракат билан ўз келишмовчиликларини қўй
қескинлаштириб юборганликлари сабабли Марказий Комитет
аъзолари, бизнинг раҳбар партия ва совет активизми Хитой
Коммунистик партиясининг, бир томондан, Хитой Комму-
нистик партияси билан, иккинчи томондан, Совет Иттифоқи
Коммунистик партияси билан, бутун халқаро коммунистик ҳаракат
ўртасидаги мусобақаларни қескинлаштириш учун қилган
ҳаракатларини билдириш зарур деб топилди. Бир томон-
дан, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети бил-
дан, иккинчи томондан, Совет Иттифоқи Коммунистик пар-
тияси ва бошқа қарош партиялар ўртасидаги келишмовчи-
ликларнинг моҳиятини батафсил сузлаб беришнинг, халқаро
коммунистик ҳаракатни янада жишлатириш масалалари
юзасидан партияимизнинг позициясини КПСС Марказий Ко-
митети вакиллари Хитой Коммунистик партияси Марказий Ко-
митети вакиллари билан бўлаётган урушда батафсил баён
қилиб беришнинг КПСС Марказий Комитетининг Президиуми
Суслов, Андропов ва Пономарев ўртоқларга топширди.

Пленумдаги ҳамма нутқлардан барча меҳнаткашларни
коммунизм руҳида тарбиялаш соҳасида Коммунистик пар-
тия олдига, совет халқи олдига турган вазифаларни чуқур
тушунилганлиги равшан кўриниб турибди.

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ—ХАЛҚНИНГ ЙЎЛБОШЧИСИ ВА ТАШКИЛОТЧИСИ

Бизнинг партияимиз марксизм-ленинизм байроғи остида
бутун совет халқини жишлатириб, совет халқининг қу-
дратини коммунистик қурилиш улуғ ишига сафарбар қил-
ди ва мамлакатни қонил ишонч билан ана шу порлоқ мақсад
сари—коммунизм тантанаси сари бирдан бир тўғри йўлдан
олиб бормоқда. (Гулдурос қарасқлар). Улуғ Ленин ташкил
этган ва қишқирган Коммунистик партия—қудратли кучдир,
ўртоқлари! Партия бўлмаганда, биз уюлмаган омма бўлиб
қолар эдик. Ленинчи партияимизнинг бутун ҳаёти ва фаоли-
яти ишчилар синфи, меҳнаткаш халққа хизмат қилишнинг
илҳомбахш намунаси, меҳнаткаш халқнинг ҳаётини манфаат-
лари учун қўрқомона қураш олиб бориш намунаси, совет
Иттифоқи Коммунистик партияси — халқнинг жан-
говар авангарди, унинг коллектив йўлбошчиси ва ташкилот-
чиси. Партия билан халқ бир-бирдан ажралмасдир. (Гул-
дурос қарасқлар). Ленинча революцион традицияларга содиқ
бўлган партия халқни ташкил этмоқда буюқ зафарларга ва
ишларга илҳомлаштирмоқда. Биз Ленин партиясининг доно
раҳбарлиги туғилганда коммунистик революцияда ғалаба
қозонадиган, совет ҳокимиятини қаттиқ туриб сақлаб қолдик.



САМИМИЙ ВА ДЎСТЛИК ВАЗИЯТИДА

БЕРЛИНДА МИТИНГ

БЕРЛИН, 28 июнь. ТАСС мух-
бири Е. Башмачников хабар бера-
ди: Берлин шаҳар ратушаси олди-
даги майдон одамлар билан лиқ
тулган. Бу ерда тўпланган берлин-
ликлар Н. С. Хрущевни шодона
табриклайдилар. Н. С. Хрущев
Шенefeld аэродромидан В. Уль-
брихт ва Германия Демократик
Республикасининг бошқа раҳбар-
лари билан бирга бу ерга келди.
Н. С. Хрущев, Германия Бирлаш-
ган социалистик партиясининг ва
Германия Демократик Республи-
касининг ҳукуматининг раҳбарлари
ратуша балконида чиқадилар. Май-
донда: «Ляписи Н. С. Хрущев!»,
«Дўстлик!», «Ура!» хитоблари ян-
райди.

Суратда: КПСС Марказий Комитетининг
Биринчи секретари Н. С.
Хрущев ва Германия Бирлашган
социалистик партияси Марказий
Комитетининг Биринчи секретари
В. Ульбрихт. (Бу расм 1963 йил
январда олинган).

В. Егоров фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

Германия Демократик Респу-
бликаси пойтахтининг аҳолиси но-
мидан Германия Бирлашган соци-
алистик партияси Марказий Ко-
митети Сисей бюросининг аъзоси,
Берлин обер-бургомистри Фридрих
Эберт сўзга чиқди.
У. Н. С. Хрущевга ва Вальтер
Ульбрихтга самимий табрик сўз-
лари билан мурожаат қилди. Ф.
Эберт Н. С. Хрущев Шенefeld
аэродромидан Германия Демократик
Республикасини пойтахтининг
марказига келган вақтда аҳоли
уни самимий қутиб олиши билан,
ўз дўстига изҳор қилиши мумкин
бўлган ҳамма туйғуларини изҳор
қилганлиги ҳақида гапирди.

Изҳор қилинган ана шу дўст-
лик, муҳаббат ва миннатдорчилик
туйғулари Берлин ва Германия
Демократик Республикаси меҳнат-
кашларининг ҳисларини ифода
этади.

Ф. Эберт айтдики, Германия
Бирлашган социалистик партияси-
нинг VI съезидан сўнг ва Н. С.
Хрущевнинг Берлинга қилган ке-

лини сафаридан сўнг ўтган бир
неча ой мобайнида Совет Иттифо-
қи билан Германия Демократик
Республикаси ўртасида, КПСС
билан Германия Бирлашган со-
циалистик партияси ўртасидаги
дўстлик алоқалари тагин ҳам кўп-
роқ мустаҳкамланди.

Ф. Эберт дедики, Вальтер Уль-
брихтнинг 70 ёшга тулиши муно-
сабати билан Н. С. Хрущевнинг
Германия Демократик Респу-
бликаси келиши бу атоқли арбоб-
нинг ҳаёт меҳнати эътирофи этил-
ганлигини асос қилиб, балки Гер-
мания Бирлашган социалистик
партияси раҳбарлигида тинчлик
учун ҳамда Германия Демократик
Республикасида социализм қури-
лишининг кенг авж олдириш йўли-
даги курашда муваффақият билан
олга бораётган бутун халқнинг
ютуқлари ҳам эътироф этилганли-
гини қўрсатади.

Сўнгра Н. С. Хрущев нутқ
сўзлади.

Биз, деди Н. С. Хрущев, не-
мис биродарларимиз билан бирга
лиқда дўстлик ўртоқ Бальтер
Ульбрихтнинг 70 йиллигини бай-
рам қилиш, унинг мардонавор қў-
лини қисилиш ва унга ҳамда Гер-
мания Демократик Республикаси-
нинг барча меҳнаткашларига со-
циализм қурилишида ва тинчлик
ишини мустаҳкамлашда янги му-
ваффақиятлар тилаш учун Гер-
мания Демократик Республикаси-
нинг пойтахтига келдик.

Биз Германия Демократик Рес-

публикаси пойтахтининг меҳнат-
кашларини, Германия тарихида
биринчи социалистик тинчликсе-
вар давлатининг ҳамма ишчилари
ни, деҳқонларини, халқ интелли-
генциясини табриклаймиз. Улуғ
Октябрь ватани, Ленин ватани—
Совет Иттифоқи коммунистлари ва
халқлари номидан сизларни ва
сизлар орқали, Маркс ва Энгельс
ватанида биринчи бўлиб соци-
ализм қуриш йўлига тушиб олган
ва марксизм-ленинизм революци-
он идеяларини амалга ошираётган
кишиларни табриклаймиз.

Берлинлик ўртоқлар, деб давом
қилди Н. С. Хрущев, мен шуни
айтмоқчиманки, сизлар социализм
қурилишида ҳам пионерларсиз.
Биз социалистик революция иши-
ни биринчи бўлиб Шаркда бошлаб
бердик, сизлар эса социализм қу-
рилишини Габда, Германияда
келган мамлакатда биринчи бўлиб
бошлаб бердингиз. Рус мўъжиза-
сининг илюзорлари, чинакам со-
циалистик немис мўъжизасининг
иллюзорлари қизини, қардош-
ларча табриклайдиз.

Н. С. Хрущев балконида ту-
шди ва В. Ульбрихт билан бирга
оқратилган резиденция томон
йўл олади. Азиз совет меҳмонини
берлинликлар самимий табрикла-
дилар.

Н. С. ХРУШЧЕВ БЕРЛИН СТАНОКСОЗЛАРИ ҲУЗУРИДА

БЕРЛИН, 29 июнь. (ТАСС).
Германия Демократик Республика-
сида дўстона янзат билан меҳмон
бўлиб турган КПСС Марказий
Комитетининг Биринчи секретари,
СССР Министрлар Советининг
Раиси Н. С. Хрущев бугун Мар-
шандаги (Берлин гевардига) ста-
ноксозлар заводига борди.

Н. С. Хрущев завод цехларида
бўлиб, ишлаб қайилаётган маҳ-
сулот билан танишди. Корхона иш-
чилари Совет ҳукуматининг бош-
лигини самимий ва дўстона қу-
тиб олдилар.

Н. С. Хрущев билан биргали-
да заводда В. Ульбрихт, Германия
Бирлашган социалистик партияси
Марказий Комитети Сисей бюро-
сининг аъзолари — ГДР Минис-
трлар Совети Раисининг биринчи
ўринбосари В. Штоф, Германия
Бирлашган социалистик партияси
Берлин округ раҳбарлигининг би-
ринчи секретари П. Фернер, Кат-
та Берлин обер-бургомистри Ф.
Эберт ва ГДРнинг бошқа раҳбар
арбоблари бўлдилар.

ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Вальтер Ульбрихт 1893 йил 30
июнда Лейпцигда ишчи — социал-
демократ оиласида туғилди. 1908
йилда ўн беш ёшда, гурадогига
шогирд бўлиб ишлаганида со-
циалистик ишчи-ешлар ташкилотига
аъзо бўлиб кириб, 1910 йилда
касаба союзи ва 1912 йилда Гер-
мания Социал-демократик партия-
си аъзоллигига қабул қилинди.
Биринчи жаҳон уруши бошлан-
ган даврида Вальтер Ульбрихт со-
циал-демократларнинг Карл Либ-
нехт бошчилигидаги сўл группа-
сига мансуб эди. У бутун куч-тай-
ратини империалистик урушга қар-
ши курашга бағишлади. Антими-
периалистик қарашлари учун кўп
март таъбиб қилинди ва қамоққа
олинди. 1918 йилда у тоғридан
қўнғича муваффақ бўлди. Валь-
тер Ульбрихт даҳрол Спартак Со-
юзига қўшилди ва Лейпцигда Гер-
мания Коммунистик партиясига
асос солувчилардан бири бўлди.
1923 йилда Вальтер Ульбрихт
Германия Коммунистик партияси

Марказий Комитетининг аъзоси ва
секретари қилиб сайланди. У халқ
меҳнаткашлари учун, таҳдид қил-
яган фашизм қаврга қарши Эрнст
Тельман ва Вильгельм Пик билан
биргаликда ёнма-ён кураш олиб
борди. 1928 йилда Вальтер Уль-
брихт Веймар республикасининг
парламенти депутат қилиб сайлан-
ди. Германияда фашист террори
бошлангач, Вальтер Ульбрихт
подпольедаги Германия Коммуни-
стик партияси раҳбарлиги составига
кириб, партия қарорига мувофиқ,
гитлерчилар вахтинчалик қарши
қўнғича кураш олиб бориш учун
қет элга жўнади. Иккинчи жаҳон
уруши даврида «Озод Германия»
Миллий комитетининг аъзоси
Вальтер Ульбрихт СССРда Гер-
мания фашизмига қарши бевосита
фронтида кураш олиб борди.

Германия гитлерчилар фашизми-
дан озод қилинган Вальтер Уль-
брихт Вильгельм Пик билан бир-
галикда немис ишчилар синфи
бирлигини тиклаш юзасидан му-

ВАЛЬТЕР УЛЬБРИХТ 70 ЁШГА ТЎЛДИ

хим ишларни бажарди. Германия
Бирлашган социалистик партияси
Марказий Комитетининг Биринчи
Секретари Вальтер Ульбрихт Гер-
мания Демократик Респу-
бликасининг ишчилар синфи ва меҳ-
наткашларини ғалабада ғалабага
олиб бормоқда.

Германия Демократик Респу-
бликаси ташкил топганда бошлаб
Вальтер Ульбрихт Министрлар
Совети Раисининг Биринчи ўри-
нбосари бўлиб ишлади ва Герма-
нияда биринчи ишчи-деҳқон за-
водининг барпо этишда ахиринг
рол этди. Германия Демократик
Республикасининг биринчи прези-
денти Вильгельм Пик вафот этган-
дан сўнг Халқ палатаси унн ўша
вақтда ташкил этилган Давлат Ке-
нашининг Раиси қилиб сайланди
ва бу билан Германия Демократик
Республикасининг энг олий ваки-

ли даражасига қўтарди. Халқ па-
латасининг Раиси профессор, док-
тор Иоганнес Дисман Вальтер
Ульбрихтни Давлат Кенгаши Раис-
лигига сайлаш ҳақидаги тақлифи-
ни асослаб, жумладан, қуйидаги-
ларни айтди: «Давлат Кенгаши
раислигига биз орамидан энг му-
носиб кишини — Эрнст Тельман-
нинг энг яқин сафдоши, Германия
империализми ва милитаризмига
қарши, ишчилар синфи иши учун
ва халқимизнинг тинч яшашини
Вильгельм Пик билан биргаликда
эллик йил мобайнида кураш олиб
борган Вальтер Ульбрихтни тақ-
лиф қиламиз. Республикасининг Дав-
лат Кенгашига Вальтер Ульбрихт-
ни бошқиб қилиб сайлаб, бу билан
ададдан ақил бўлган, лаянатли
фашистларнинг босқинчилигини уру-
шидан сўнг қолган кул ва ахлат
орасида моддий ва ғойий байро-
налар орасида ҳаётини янгида
йўлга қўлган, ўз-ўзидан бошқариш
давлат органларини тузган ва иш-

чи ва деҳқонлар социалистик
тинчликсевар давлатимизнинг сий-
сий, иқтисодий ва маънавий тарақ-
қетида, шунингдек, Германиянинг
тинчликсевар, демократик ва яно-
на давлат сифатида миллий қайта
тикланиши учун курашда жуда
катта хизмат қилган кишини сай-
лаймиз».

Германия Демократик Респу-
бликаси ишчилар синфининг ман-
фаатлари йўлидаги фаолияти учун
Вальтер Ульбрихт Германия Де-
мократик Республикасининг олий
мунофотлари, жумладан, Карл
Маркс ордени, «Ватан олдиндаги
хизматлари учун» олтин ордени
билан тақдирланди. 1953 ва 1958
йиллари унга «Меҳнат Қаҳрамо-
ни» фахрий унвони берилди.
«Мехнат Байроғи» орден и
«1933—1945 йилларда фашизмга
қарши кураш» медали ҳамда не-
мис ишчилар синфининг 1918 —
1923 йиллардаги қуроли кураши-
да иштирок этганлиги учун ме-
дали билан мунофотланган.

(Боши учинчи бетда)

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх»
бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р.08331. ИНДЕКС 64695. 1626. 